
МУРОЖААТ ЎРГАНИЛДИ.

Бугунги кунда аҳоли сони ортган сари автотранспорт воситаларига ҳам бўлган талаб ортиб бормоқда. Биргина Қува туманининг ўзида бугунги кунда 18 мингдан ортиқ автотранспорт воситалари мавжуд бўлиб туман марказида тирбандликларнинг юзага келишига сабаб бўлмоқда. Бу эса ўз навбатида ҳаракат хавфсизлигига катта хавф туғдирмоқда.

Телеграм ижтимоий тармоғи орқали “Фарғона вилояти Қува туманидаги она ва бола реабилитацияси шифохонаси олди автовокзал бўлиб кетди. Мутасаддилар эътибор бермайдими?” сарлавҳаси остида чоп этилган мурожаатни ўрганиш мақсадида туман ҳокимлиги томонидан тузилган ишчи гуруҳ томонидан масалага ойдинлик киритиш мақсадида мутасаддилар ва ҳолисларнинг фикрлари тингланди.

Хўш аслида муаммо нимада? Келинг бу саволга ойдинлик киритамиз.

Бугунги кунда туман марказида автотураргоҳлар йўқлиги сабабли автотранспорт воситалари тўхташ мумкин бўлмаган жойларга қўйилиши натижасида ҳаракатга анчагина ноқулайликлар келтириб чиқараётган эди. Мурожаатда кўрсатилган Она ва бола реабилитация бўлимига келган беморларнинг ҳам автотранспорт қўйиш учун жой йўқлиги сабабли туман ҳокимининг 2019 йил 4 сентябр кунги 3951-сонли қарорига асосан фуқаро Ф.Исмоновга бу ерда қурилиш қилмаслик шarti билан автомобиллар турар-жойи ташкил этиш учун бириктириб берилди ва 150 млн сўм маблағ сарфланиб автомобиллар турар жойи ташкил этилди.

“Илгари автомобиллар пиёдалар ўтиш йўлагигагача қўйиб оларди. Бу эса ўз навбатида ҳаракатланишимизга бир қанча ноқулайликлар келтириб чиқарарди” - дейди биз билан суҳбатда фуқаро Ш.Ҳақимова. Автомобилларимизни тўхташ мумкин бўлмаган жойга қўйишимиз натижасида кўплаб чарималар тўлашимизга тўғри келган, ушбу тураргоҳ ташкил этилиши билан барча муаммоларимиз хал этилди. Шунингдек беҳавотир ҳаракатланмоқдамиз дейди яна бир суҳбатдошими ҳайдовчи З.Дадажонов.

Бу ерда ҳаракатланаётган ҳайдовчилар ва фуқаролар билан суҳбатлашганимизда уларнинг барча бу ерда автомобиллар турар жой қилинганидан мамнун эканликларини билдиридилар.

Қува туман ҳокимлиги

Ахборот хизмати

2020-12-22 11:49:59